

Зулфия шеърлятида тонг ва тун тасвири

М. Ражабова, БухДУ доценти

Тонг ва тунга мурожаат Шарқу Ғарб шеърлятида анъанавий усуллардан хисобланади. Бу анъанавий тасвир ҳар бир ижодкорда ўзига хос мақсад ва муддаони рўёбга чиқариш учун қўлланган. Мумтоз адабиётимизда тонг ва тун каби тимсоллар орқали хижрон, ошиқ қалбининг турли-туман азоб ва хасратлари тасвирланган. Бундан ташқари, тонг–яшариш, янгиланиш, ёшлик, орзунинг рўёбга чиқиши бўлса, тун – ғам ва андух, умидсизлик, умр якуни ва шу каби ғояларнинг рамзи сифатида ҳам кенг қўлланган. Шу билан бирга тонг – ибтидо, тун – интиҳо демак. Тонг ва тун ҳаёт зиддиятларидан, қарама-қаршилиқ ва тўқнашувлардан иборат эканлигига ҳам ишорадир.

Ўзбек халқининг севимли адибаси Зулфия ижодида ҳам тонг ва тун тасвири акс этган талайгина шеърлар мавжуд. Хўш, шоира ижодида мазкур тасвирлар қандай мақсадларда қўлланган?

Зулфия шеърларининг аксариятида шоир шахси бўртиб туради. Шоира ўзининг жўшқин кечинмаларини, тизгинсиз туйғуларини, ҳаётдан чиқарган сабоқларини ҳамда таржимаи ҳолидаги муҳим қирраларини ҳам шеърларига сингдириб юборади. Бу билан шоира ўз шахсий кечинмалари доирасида қолиб кетмайди, балки замондошларимизнинг ташвиши, фикр-ўйлари, орзу-умидларини ифодалаш доимо диққат марказида туради.

Тун тасвири Зулфия ижодида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Тун - шоира нигоҳида илҳом манбаи, шунинг учун у тундан миннатдор. У буни **“Тун”** номли шеърида шундай ифодалайди:

Тунда қанча хаёл, қанча куй,
Мен берилиб қулоқ соламан.
Сўз тополмай ифодасига,
Ранг ахтариб шошиб қоламан.

Таъкидлаш керакки, мумтоз ва замонавий шеърлятда аксарият ҳолларда тонг ва тун бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Юқорида таъкидланган

шеърда эса “тоғ ортига ўтиб кетган кун кетидан келган тун” нинг шоира учун инъом этган илҳоми гўзал тавирларда ифодаланган.

Шоира шеърнинг бешинчи бандида тунни «ҳар бириси бир этрак суйлагувчи юлдузлар» билан алмаштиради. Юлдуз-туннинг, келажакнинг рамзи.

Мен ёзаман, юлдузлар ўтар,
Ҳар бириси суйлар бир эртак,
Мана, Ҳулкар қаршимда чакнар,
Ёрқин тонгдан келтириб дарак.

Шоира сўз ўйинини қилади. Ҳулкар – тонг юлдузи маъносидан ташқари, қизи Ҳулкарнинг номи маъносида ҳам келган. Ҳулкар юлдузи тонг отишидан дарак берса, Ҳулкар унинг келажаги, ёрқин тонги–умри давомчиси демакдир.

Мусаффолик тонгга хос. Шоира тонгнинг ана шу сифатини қалбга кўчиради. Унинг нигоҳида тонг эзгулик рамзи.

Менинг тонгим қалбимда отар,
Ўйдан, кўздан ҳайдаб зулматни.

Тонг шоира учун гоҳо бир шеър, гоҳо бир китоб, гоҳо умрнинг бесамар кетган йиллари. Зулфия “**Менинг тонгим**” шеърида шундай ёзди:

Тундан юлган тонгим:
Гоҳ бир шеър,
Гоҳ ўқилган бир китоб бўлур,
Гоҳ умрнинг ўтган беҳосил,
Саҳифасига бўм-бўш боб бўлур...

Тонг сирларини чизмоқчи бўлган шоира ўз ҳис-туйғулари билан ўралашиб қолмайди. Тонгни Инсоният умрининг ибтидоси сифатида тасвирлайди.

Бу кекса заминда яна бир Инсон
Тонг билан бошлабди буюк йўлини, - дейди Зулфия
“**Тонг**” шеърида. Бироқ ана шу тонгдан бошланадиган йўл – ҳаёт синовлари шоирани ўйлантиради:

Билмайман!

Бу нотинч она жаҳонда

Шу тонг йўлга кирди не сон-минг гўдак?

Кимнингдир илк йўли йўқолди қонда,

Ёт, изғир, мудҳиш ўқ етди жувонмарг?

Шеърнинг охириги мисраси китобхонни мушоҳадага ундайди. Кекса дунёда тонг ҳам, гўдак ҳам ибтидо - умрнинг бошланиши. Уни англаш инсоннинг ўзига ҳавола.

Гўдак, тонг – ибтидо асл маъно-ла,

Бизлардан ҳимоя, фаросат талаб...

Зулфия лирик қаҳрамон туғёнларини тонг ва тун тазоти орқали очиб берар экан, ҳар бир тасвир ўзига хос маъно ташийдиган. Тун – умрнинг ўтишига ишора. Шунинг учун Зулфия тунни умр сарҳисоби сифатида ҳам тасвирлайди. Агар **“Тун”** шеърида тун яхшлик, илҳом манбаи сифатида тасвирланса, **“Тунни севмай қўйдим...”** номли шеърида шоира **“Ҳар тун узиб кетар умримдан бир кун”** дея ўқсунади:

Тунни севмай қўйдим,

Бир сирни туйдим.

Ҳар тун узиб кетар умримдан бир кун.

Томчи тома-тома кўл бўлганидек лим.

Олиб кетиши рост умримни бутун.

Ҳаёт ўзининг ранг-баранг чиройи ва сермазмун моҳияти билан гўзал. Зулфиянинг ҳассос қалби фусункор табиат гўзаллигини чуқур сезар ва ундан илҳомланар эди. Табиат манзараларини куйлаш шоира ижодининг турли даврларига тўғри келади. Буни тун ва тонг қиёс тасвирига бағишланган мисраларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Тонг ва тун қиёси орқали шоира умрига назар солади, ўтган умр йўлига баҳо беради. Бироқ тонг – келажак, уни яшашага, ижод қилишга ундайди, умри ўтгани сари саҳар (тонг)га бўлган соғинчи ортаверади. Буни **“Саҳар мен билан”** номли шеърида шундай ифодалайди:

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомим яқинлиги бу?...
Саҳар бу - ёшликдай борлиғи орзу,
Саҳар ўқилмаган ғаройиб китоб...

Саҳар – ёшлик демак. Тўғри, шеърда саҳар бадиий тимсол, унга қилинган хитоб лирик қаҳрамон кечинмаларининг ёрқинроқ ифодаси учун восита бўлганини инкор қилиб бўлмайди. Бироқ шеърнинг таъсирини оширган жихат лирик қаҳрамоннинг ҳаётга бўлган муҳаббатидир. Шоира қалбидан шеър қаҳрамони қалбига кўчиб ўтган бу кечинмалар агар унинг ҳаётий муносабатларидан туғилмаганида, шеърда бу қадар самимият ва ҳаётийлик акс этмаган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, тонг ва тун тасвирида руҳий кўтаринкилик билан бирга тушкунлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Бу, айниқса, ижодкор шахсларда ёрқинроқ намоён бўлади.

Наҳотки умримдаги саҳарги завқлар
Тарк этиб излайман саҳардан нажот?...

Шоира тақдирининг инъом этган тухфаларини ҳам тонгдан қидиради. У саҳарда таваллуд топди, саҳарда шеър дафтарини очиб ижод қилди, саҳар уни ҳижрон азобига гирифтор қилди:

Мен ахир саҳар чоғ таваллуд топдим,
Онам кўкси, азиз юртим ҳам саҳар.
Шеърга дил дафтарин саҳар очдим,
Эслайман:
Топганди севги қўйнида
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саҳар.

Шеърда шом саҳарга қарама - қарши қўйилади. Шом умр якуни. Шунда ҳам шоира қалбида тонг (яъни ёшлик) нинг серзавқ туйғулари ял-ял кулади ва “то умр бори́ча саҳар мен билан” дея ғурур билан айта олади:

Бугун шом устидан ял-ял кулажак,
То умр бори́ча саҳар мен билан.

Ҳар кун менга сахар тухфа этажак,

Халқим юрагига сахар мен билан

Умуман олганда, Зулфия шеърларида биргина тонг ва тун тасвирининг ўзи турли маъно нозикликлари билан тасвирланадики, бу шеърхон қалбини жунбушга келтиради. Шоира шеърларидаги тонг ва тун билан боғлиқ тасвирларни таҳлил қилиб, уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Шоира шеърлятида тонг ва тун энг кўп қўлланилган бўлиб, улар инсон тақдири билан боғлиқ хилма-хил ҳолат ва туйғуларни акс эттиришга хизмат қилган.
2. Тонг ва тун тасвири инсоннинг тақдири, фикр-хаёли, орзу умидлари ва ички кечинмалари билан бевосита уйғун равишда бадиий тадқиқ этилган.
3. Шоира шеърларида инсон қалбида уйғонган нозик кечинмалар, ҳис-туйғулар, фикр-ўйлар тонг ва тун воситасида берилар экан, умрининг ўткинчилиги ва шиддат билан тез ўтиб кетишига алоҳида урғу берилади.